

Риштон туман ободонлаштириш бошқармаси йиғилиш

**БАЁНИ ВА ҚАРОРИ №9.**

**16 май 2022 й.**

**Риштон тумани.**

**1.Кун тартибидагимасала:** Риштон туманидаги кўкаламзорлаштириш майдонларига суғориш тизимин тортиш ишлари учун эхтиёт қисмлар сотиб олиш тўғрисида.

**2.Раислик килувчи:** Риштон туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С.Ҳайдаров

**Катнашдилар:** Риштон туман ободонлаштириш бошқармаси бош муҳандиси С.Олимов, бош ҳисобчи М.Раджабова, бўлим бошлиғи С.Ҳайдаров, муҳандис С.Мулложонов бўлим бошлиғи И.Орипов.

Йиғилишни Риштон туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи сўзни очиб, Риштон туманидаги кўкаламзорлаштириш майдонларига суғориш тизими тортиш ишлари учун эхтиёт қисмлар сотиб олиш кераклигини гапириб утиб, бош муҳандис С.Олимовга сўз берди.

Сўз олган С.Олимов ҳақиқатдан ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан тумандаги мавжуд кўкаламзорлаштириш майдонларини суғориш тизими билан таъминланмаган қисмига суғориш тизимин тортиш зарурлигини ва ушбу ишларни бажариш учун эхтиёт қисмлар сотиб олиш лозимлигини йиғилиш қатнашчиларига тушунтириб ўтди.

**Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш**

**қарор қилади:**

1. Риштон тумандаги кўкаламзорлаштириш майдонларига суғориш тизимини тортиш ишларини амалга ошириш учун эхтиёт қисмлар билан таъминлаш вазифаси бош муҳандис С.Олимовга юклатилсин.

Ушбу қарорни бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

**Риштон тумани ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи:**

**Котиба:**



**С.Хайдаров**

**Д.Абдуқодирова**